

Ички аудит бошқармасининг 2026 йил I чорак фаолияти натижалари бўйича ҲИСОБОТИ

1. Умумий маълумотлар.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг тизим ташкилотлари 290 тани ташкил этади.

Сув хўжалиги вазирлигининг 2025 йил 28 октябрдаги “Вазирлик ва тизим ташкилотлари тузилмалари ва бошқарув ходимлари чекланган сонини тасдиқлаш тўғрисида”ги 186-сонли ва 2026 йил 23 январидagi “Вазирликнинг 2025 йил 28-октябрдаги 186-сон буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 11-сонли буйруқларига асосан, жорий йилда Ички аудит бошқармасининг 16 та штат бирликларидан 7 та штат бирликлари мақбуллаштирилиб ҳозирги кунда 9 та штат бирликлари сақланиб қолди.

2. Ички аудит йиллик режасида тасдиқланган ички аудит тадбирларининг ҳисобот даврида режалаштирилган қисмининг бажарилиши ҳолати.

Ҳисобот даврида жами 4 та молиявий назорат, профилактик ва бюджет интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар амалга оширилган бўлиб, ушбу тадбирларда 38 та объект ўрганиш ишлари билан қамраб олинган.

Шундан:

Ички аудит бошқармасининг йиллик иш режасига асосан, 3 та тадбир доирасида 37 та объектда аудит тадбирлари амалга оширилган;

Ички аудит бошқармасининг йиллик иш режасидан ташқари (Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг хатлари ва бошқаларга асосан) 1 та тадбирда 1 та объектда ўрганиш ишлари амалга оширилган.

Юқорида кўрсатилган, 4 та молиявий назорат, профилактик ва бюджет интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлардаги 38 та объектга 945 та ҳолатда жами 214 664,0 млн. сўмлик молиявий хато ва камчиликлар аниқланди.

Жумладан:

- вазирлик тизим ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби нотўғри юритилиши натижасида аниқланган услубий хатоликлар йўналишида 1 та ҳолатда 1 173,0 млн. сўмлик;

- асосий воситалар ва товар моддий захиралари камомади бўйича 58 та ҳолатда 2 920,0 млн. сўмлик;

- амалдаги қонунчилик ҳужжатларига зид равишда малга оширилган молиявий операциялар бўйича 61 та ҳолатда 35 722,0 млн. сўмлик;

- бюджет маблағлари ҳисобидан мақсадсиз харажатларни амалга ошириш бўйича 1 та ҳолатда 14,0 млн. сўмлик;

- давлат хайдрлари тартиб-таомилларига зид равишда амалга оширилган давлат харидлари бўйича 153 та ҳолатда 53 015,0 млн. сўмлик;

- бюджет маблағларини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига зид равишда ортиқча режалаштириш бўйича 671 та ҳолатда 121 820,0 млн. сўмлик молиявий хато ва камчиликлар аниқланди.

Мисол учун:

- Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос стасиялари ва энергетика бошқармасида 28 та ҳолатда 2 512,9 млн. сўмлик асосий воситалар ва товар-моддий бойликлари камомади, 6 та ҳолатда 4 642,4 млн. сўмлик шартнома шартларига зид равишда етказиб берилган товарлар, 147 та ҳолатда 48 373,0 млн. сўмлик давлат хариди тартиб-таомиллари бузилиши, 2 та ҳолатда 563,0 млн. сўмлик бажарилмаган иш ҳажми учун ортиқча тўловлар аниқланди;

- Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида 1 та ҳолатда 2 917,8 млн. сўмлик бажарилмаган иш ҳажми учун ортиқча тўловлар аниқланди;

- Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида 10 та ҳолатда 1 172,9 млн. сўмлик амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этмасдан тартиб бузилиши ҳолатлари аниқланди;

- Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасида ДХШ лойиҳаларидаги насос станцияларининг электр энергия харажатлари учун 29 та ҳолатда 32 182,7 млн. сўмлик ортиқча тўловлар аниқланди;

- АБМК Олот тумани бошқармасида 2026 йил учун итатлар жадвалининг 1-гуруҳ харажатлари учун 9 та ҳолатда 304,7 млн. сўмлик, 2-гуруҳ харажатлари учун 9 та ҳолатда 76,2 млн. сўмлик, натура шаклидаги ишлар учун ҳақ тўлаш жамғармасининг 1-гуруҳ харажатлари учун 1 та ҳолатда 10 098,3 млн. сўмлик, 2-гуруҳ харажатлари учун 1 та ҳолатда 2 524,6 млн. сўмлик ортиқча режалаштиришлар барвақт аниқланиб, итатлар жадвали рўйхатдан ўтказиши жараёнида бартараф этилди.

Юқуридаги хато ва камчиликларга йўл қўйган 2 нафар ходимга нисбатан хайфсан интизомий жазо чораси ва 1 нафар ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилиш чоралари кўрилди.

Бундан ташқари, мазкур молиявий назорат ва бюджет интизомини мустаҳкамлашга қаратилган 3 та тадбирлардаги 199 та ҳолатда 60 190,0 млн. сўмлик молиявий хато ва камчиликларга ёл қўйган тизим

ташкilotларидаги аудит тадбири ҳужжатлари ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

Мисол учун:

- Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасида ўтказилган ўрганиш ҳужжатлари ҳуқуқий баҳо бериш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат хавсизлик хизматининг Сурхондарё вилояти бўйича бошқармасига;

- Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида ўтказилган ўрганиш ҳужжатлари ҳуқуқий баҳо бериш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига;

- Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида ўтказилган ўрганиш ҳужжатлари ҳуқуқий баҳо бериш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборилди.

3. Ҳисобот даврида ўтказилиши режалаштирилган, лекин амалга оширилмаган ички аудит тадбирлари тўғ'рисидаги маълумотлар.

Ҳисобот даврида Ички аудит бошқармасининг йиллик иш режасига киритилган объектларда белгиланган муддатларда аудит тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

4. Ички аудит объектлари томонидан чора-тадбирлар режасининг бажарилиши тўғ'рисидаги маълумотлар.

Ҳисобот даврида Ички аудит бошқармаси томонидан амалга оширилган 4 та молиявий назорат, профилактик ва бюджет интизомини мустақкамлашга қаратилган тадбирларда 38 та объект, Ички аудит бошқармасининг йиллик режасига асосан 348 та таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган ва 348 та таклиф ва тавсияларнинг ижроси бажарилган.

Мисол учун:

- Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасида 2026 йил учун штатлар жадвалининг. 1-гуруҳ харажатлари учун 35 та ҳолатда 1 255,8 млн. сўмлик, 2-гуруҳ харажатлари учун 35 та ҳолатда 314,0 млн. сўмлик сўмлик ортиқча режалаштиришлар аниқланиб, штатлар жадвали рўйхатдан ўтказиш жараёнида барвақт бартараф этилди.

- Чапқиргоқ Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасида 2026 йил учун штатлар жадвалининг 1-гуруҳ харажатлари учун 140 та ҳолатда 3 793,5 млн. сўмлик, 2-гуруҳ харажатлари учун 140 та ҳолатда 948,4 млн. сўмлик

сўмлик ортиқча режалаштиришлар аниқланиб, штатлар жадвали рўйхатдан ўтказиш жараёнида барвақт бартараф этилди.

- Қарши магистраль каналдан фойдаланиш бошқармасида 2026 йил учун штатлар жадвалининг натура шаклидаги ишлар учун ҳақ тўлаш жамғармасининг 1-гуруҳ харажатлари учун 1 та ҳолатда 1 760,3 млн. сўмлик, 2-гуруҳ харажатлари учун 1 та ҳолатда 440,0 млн. сўмлик ортиқча режалаштиришлар аниқланиб, штатлар жадвали рўйхатдан ўтказиш жараёнида барвақт бартараф этилди.

- Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасида 2026 йил учун штатлар жадвалининг 1-гуруҳ харажатлари учун 24 та ҳолатда 756,7 млн. сўмлик, 2-гуруҳ харажатлари учун 24 та ҳолатда 189,2 млн. сўмлик сўмлик ортиқча режалаштиришлар аниқланиб, штатлар жадвали рўйхатдан ўтказиш жараёнида барвақт бартараф этилди.

- Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасида 2026 йил учун штатлар жадвалининг 1-гуруҳ харажатлари учун 26 та ҳолатда 781,0 млн. сўмлик, 2-гуруҳ харажатлари учун 26 та ҳолатда 195,3 млн. сўмлик сўмлик ортиқча режалаштиришлар аниқланиб, штатлар жадвали рўйхатдан ўтказиш жараёнида барвақт бартараф этилди.

5. Ҳисоб палатасининг “Масофавий назорат” ААТ орқали келиб тушган хавф таҳлилари.

Ҳисобот даврида, Ички аудит бошқармасининг Масофавий назоратни амалга ошириш ва хавф-хатарларни баҳолаш бўлими томонидан ўтказилган масофавий аудит тадбирларида 5 998 та ҳолатда 26 810,9 млн. сўмлик риск-таҳлилари бўйича шубҳали молиявий операциялар аниқланди.

Мазкур риск-таҳлиларининг барчасида аудит тадбирлари ўтказилди ҳамда ушбу аудит тадбирлари натижасига кўра, 1 468 та ҳолатда 8 986,0 млн. сўмлик риск-таҳлилари ўз тасдиғини топди ва амалдаги қонунчилик талаблари доирасида ушбу камчиликлар бартараф этилиб бюджет интизоми таъминланишига эришилди.

Мисол учун:

- Давлат харидларида аффилиланганлик таҳлили (Uzex AI) йўналишида бўйича риск-таҳлиллари 4 та ҳолатда 299,2 млн. сўмни ташкил этади.

Ушбу риск-таҳлилларининг барчасида аудит тадбирлари ўтказилди ва барча риск-таҳлилларо ўз исботини топди.

- *Бюджет ташкилотларида ишловчиларнинг 4 ва ундан ортиқ даромад манбаига эга фуқоролар йўналишида бўйича риск-таҳлиллари 76 та ҳолатда 166,0 млн. сўмни ташкил этади.*

Ушбу риск-таҳлилларининг 51 тасида 106,5 млн. сўмлик ўрганиш ишлари олиб борилган ва 33 та ҳолатда 53,6 млн. сўмлик риск-таҳлиллари ўз тасдиғини топди.

- *Дебитор қарздорлик йўналишида бўйича риск-таҳлиллари 821 та ҳолатда 18 982,8 млн. сўмни ташкил этади.*

Ушбу риск-таҳлилларининг 410 тасида 7 450,4 млн. сўмлик ўрганиш ишлари олиб борилган ва 256 та ҳолатда 4 139,8 млн. сўмлик риск-таҳлиллари ўз тасдиғини топди.

6. Ички аудит хизмати фаолияти сифатини таъминлаш (баҳолаш) ва ошириш бўйича амалга оширилган ишлар.

Ички аудит бошқармаси ходимларини амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлардан, янгиликлардан хавардор бўлишлари, ушбу янгиликларни амалиётда қўллашлари, провард натижада бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари мақсадли ва самарали ишлатилиш бўйича малакаларини мустақкамлашлари мақсадида:

- Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан 2026 йил 24 февраль куни “Давлат бюджети маблағлари самарали ва мақсадли сарфланиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш ҳамда молиявий ҳуқук бузарликларни олдини олиш ва камайтириш” мавзусидаги;

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 2026 йил 23–27 февраль кунлари “Халқаро стандартлар асосида ички аудит хизматлари ходимларини сертификатлаш” мавзусидаги амалий семинар;

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 2026 йил 26-февраль куни “Мониторинг портал ахборот тизимидан фойдаланиш имкониятини яратиш” мавзусидаги онлайн семинар;

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан, 2026 йил 24–27-март кунлари “Халқаро стандартлар асосида ички аудит хизматлари ходимларини сертификатлаш” мавзусидаги амалий семинарларда иштирок этди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Молия органлари ҳамда бюджет ташкилотларининг молия-ҳисоб бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув марказида 3 нафар Ички аудит бошқармаси ходимлари Ички аудит миллий малака сертификатига эга бўлган Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ички аудит хизмати ҳамда давлат молиявий назорати инспекцияси ходимларининг малакасини ошириш курси бўйича ўз малакаларини оширдилар ва тест имтиҳонларидан етарли балларни қўлга киритиб, малака оширганлик гувоҳномасига эга бўлдилар.

7. Давлат органи ва ташкилоти тизимидаги бюджет ҳисобидан молиялаштирилмайдиган нобюджет муассаса ва ташкилотларда молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган назорат ишларига оид ҳужжатларнинг мониторинги юзасидан амалга оширилган ишлар

Сув хўжалиги вазирлиги таъсисчилигидаги “Насос таъмирлаш” МЧЖ, “Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖ, “Толимаржон Садок Балик” МЧЖ ва “Ўзсувекспертиза” ДКларга 2026 йил 1 апрелдаги 03/15-489-сонли хати орқали, Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 35-моддасига мувофиқ, устав капиталида давлатга тегишли улушга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилганидан кейин ўн беш кун ичида, бироқ ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 июнидан кечиктирмай, солиқ органларига аудиторлик ҳулосасининг кўчирма нусхасини тақдим этиши лозимлиги тўғрисидаги топшириқ берилди.

8. Аниқланган тизимли камчиликлар, хавфлар ва уларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш бўйича кўрилаётган чоралар (таклиф ва тавсиялар)

2026 йилга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлар)га ўз вақтида эришилишини таъминлаш мақсадида Ички аудит бошқармаси томонидан риск-таҳлилари ўтказилди, мазкур риск-таҳлилари натижасига кўра 5 та йўналишда риск омиллари аниқланди. Ушбу риск омилларини барвақт бартараф этиш мақсадида чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, ижрога қаратилди.

1-риск омили:

- Вазирлик тизимида бўлган насос станциялардаги эскирган насосларни замонавий энергия тежамкорларга алмаштириш – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 августдаги ПҚ-250-сонли қарорининг 4-иловасига асосан 156 та замонавий энергия тежамкор насосларга алмаштириш ишлари бажарилмаслик хавфининг олдини олиш.

Бартараф этиш чора-тадбири:

1. Насос станциялари ва энергетика бошқармалари томонидан харидқилинадиган 156 та насосларни белгиланган тартибда электрон савдо платформаларига жойлаштириш.

2. Электрон савдо платформалари орқали насосларни етказиб берувчи ташкилотларни аниқлаш ва улар томонидан насосларни ташкилотларга етказиб берилишини таъминлаш.

3. Харид қилинган насосларни белгиланган тартибда ўрнатиш ишларини амалга ошириш.

2-риск омили:

Вазирлик тизимида бўлган насос станциялардаги эскирган электродвигателларини янги замонавий электродвигателларга алмаштириш – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 августдаги ПҚ-250-сонли қарорининг 5-иловасига асосан 149 та янги замонавий электродвигателларга алмаштириш ишлари бажарилмаслик хавфининг олдини олиш.

Баргараф этиш чора-тадбири:

1. Насос станциялари ва энергетика бошқармалари томонидан харид қилинадиган 149 та электродвигателларни белгиланган тартибда электрон савдо платформаларига жойлаштириш.

2. Электрон савдо платформалари орқали электродвигателларни етказиб берувчи ташкилотларни аниқлаш ва улар томонидан электродвигателларни ташкилотларга етказиб берилишини таъминлаш.

3. Харид қилинган электродвигателларни белгиланган тартибда ўрнатиш ишларини амалга ошириш.

3-риск омили:

Вазирлик тизимида бўлган мелиоратив кузатув қудуқларини автоматлаштирилган мониторинг қилиш тизимига ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 августдаги ПҚ-250-сонли қарорининг 11-иловасига асосан 2 952 та мелиоратив кузатув қудуқларини автоматлаштирилган мониторинг қилиш тизимига ўтказиш ишлари бажарилмаслик хавфининг олдини олиш.

Баргараф этиш чора-тадбири:

1. Худудий мелиоратив экспедициялар ҳисобидаги мелиоратив кузатув қудуқлари учун харид қилинадиган “Дайвер” қурилмаларини техник топшириқга мувофиқлигини назорат қилиш.

2. Мелиоратив кузатув қудуқларида ўрнатилган “Дайвер” қурилмалари фаолиятини такомиллаштираш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

3. Харид қилинадиган “Дайвер” кузатув қурилмаларининг сув сатҳи ва унинг таркиби бўйича кунлик узатиладиган ахборотни маълумотлар базасига тўғридан-тўғри интеграция қилинишини назорат қилиш.

4-риск омили:

Сув хўжалиги соҳасини рақамлаштириш мақсадида Республика бўйлаб сув хўжалиги объектларида 1895 дона рақамли қурилмалар сони – Президент

Администрациясининг 2025 йил 30-августдаги 02-1418-сонли топширигининг 3-банди 2-босқичи натижасига чиқаолмаслик хавфи.

Бартараф этиш чора-тадбири:

1. Худудий сув хўжалиги ташкилотларида буйруқ асосида ишчи гуруҳ таркиби шакллантирилиб, мазкур буйруққа асосан сув хўжалиги объектларидаги гидростларда онлайн сув кузатуви қурилмаси ўрнатиш бўйича 1895 та туманлараро нуқталарни аниқлаш ҳамда далолатномалар расмийлаштириш.

2. Худудий ишчи гуруҳи томонидан мазкур топшириқда белгиланган вазифаларни ижросини ўз муддатларда бажариш мақсадида харид қилинадиган замонавий рақамли қурилмаларни ишлаб чиқилган техник топшириқномаларини тасдиқлаш ҳамда белгиланган тартибда давлат хариди ҳужжатларини ишлаб чиқиш шунингдек, ўрнатилган тартибда харид савдосини эълон қилиш.

3. Харид қилинган рақамли қурилмаларни ўрнатиш ва улардан мақсадли фойдалинишни йўлга қўйиш.

5-риск омили:

Сув фонди ерларини кадастр ҳужжатларини ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш учун харажатларини амалга оширилишида таъриф нархлари асослантилмаганлик хавфи (ПҚ-73-сон, 30.12.2021 й.).

Бартараф этиш чора-тадбири:

1. Сув фонди ерларини кадастр ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун харажатларини амалга оширилишида таъриф нархларини ваколатли давлат (“Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ, Республика “Аэрогеодезия” маркази, Давлат кадастрлар палатаси) органлари орқали тегишли хулосалар олиш.

2. Мазкур тадбирларни амалга оширилишида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат хариди тўғрисида”ги қонуни талаблари асосида ваколатли давлат харидлари порталлари орқали электрон тарзда давлат харидларини амалга оширишни ташкиллаштириш.

9. Давлат органи ва ташкилоти фаолиятида бюджет интизомини мустаҳкамлаш, хавфларни профилактика қилиш ҳамда бюджет харажатлари натижадорлиги ва самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар.

Бюджет маблағларидан тежамкорлик ва барқарорликни таъминлаш тамойили асосида мақсадли, самарали харажатларни тўғри амалга ошириш ҳамда Сув хўжалиги тизимини иқтисодий ёналишида малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида, тизимдаги ҳисобчилар ва иқтисодчиларни ҳар йили

босқичма-босқич Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Молия органлари ҳамда бюджет ташкилотларининг молия-ҳисоб бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув марказида малакаларини ошириш ишларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

10. Ички аудит хизмати фаолиятини ривожлантириш бўйича таклифлар.

Вазирликнинг қуйи ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган давлат харид жараёнларини масофадан аудитдан ўтказиш, манфаатлар тўқнашуви, аффилланганлик ҳолатлари бўйича профилактик тадбирларни амалга ошириш мақсадида, харид жараёнидаги ИП-манзил ва бошқа маълумотларни кузатиш имконини яратиш.

11. Ички аудит тузилмаси ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари.

Ички аудит бошқармасининг 9 нафар ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижаларига кўра:

- ички аудит хизмати ходимлари томонидан 2026 йил I чорагида бюджет тўғрисидаги қонунчилик бузилиши ҳолатларининг олдини олишдаги натижалар юзасидан жами 671 та ҳолатда 121 820,0 млн. сўмлик бюджет маблағларини мақсадли ва самарали ишлатилиши юзасидан профилактик тадбирларни амалга оширишга эришдилар;

- ички аудит хизмати ходимлари томонидан 2026 йилнинг I чорагида масофавий назоратни амалга оширишда жами 1 468 та ҳолатда 8 986,0 млн. сўмлик шубҳали молиявий операциялар аниқланди ва амалдаги қонунчилик талаблари доирасида бартараф этилди;

- 2026 йил I чорагида ички аудит хизмати ходимлари томонидан берилган таклиф ва тавсияларнинг ички аудит объектлари томонидан бажарилиши натижалари Ички аудит бошқармасининг йиллик режасига асосан 348 та таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу тақлиф ва тавсияларнинг ижроси тўлиқ бажарилган.

Ички аудит хизмати ходимлари фаолиятининг самарадорлиги Йиғма кўрсаткичлари натижасига кўра, 9 нафар ходимлар 71–86% оралиғида баҳоланиб яхши даражасига эга бўлганликлари маълум бўлди.

Ички аудит бошқармаси